

**ЎЗБЕКИСТОНДА УСМОН ЮСУПОВ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН
ЙИЛЛАРДА КЎМИР ВА НЕФТ САНОАТИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-34>

**Муҳаммадиев Раҳмон Рашидович,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти**

АННОТАЦИЯ

Мақолада иккинчи жаҳон уруши арафасида ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий соҳа, саноатнинг кўмирга бўлган талаби, маҳсулот билан таъминланиш даражаси масаласи тадқиқ этилган. Архив хужжатлари, статистик материаллар, мавзуга оид илмий адабиётлар асосида республикага Усмон Юсупов раҳбарлик қилган йилларда (1937-1950) кўмир ва нефт казиб чиқариш саноатига бўлган эътибор, унинг шаклланиши, ривожланиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳукумат, тошкўмир, саноат, нефт, энергетика, иссиқлик электр станцияси, ижтимоий соҳа, ёқилғи, кўмир ҳавзаси, кон, хом ашё.

**УГОЛЬНАЯ И НЕФТЯНАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ УЗБЕКИСТАНА В
ГОДЫ РУКОВОДСТВА УСМАНА ЮСУПОВА**

**Муҳаммадиев Раҳмон Рашидович,
Базовый докторант
Национальный Университет Узбекистана**

АННОТАЦИЯ


В статье последуются вопросы социальной сферы, спросе на уголь в промышленности, а также об обеспечения продовольствием в республике Узбекистан как в начале, так и после Второй Мировой Войны. На основе архивных и статистических данных, а также научной литературы, относящиеся к данной теме, исследуется политика республики в нефтедобывающей и угледобывающей сферах в период руководства Усмана Юсупова (1937-1950).

Ключевые слова: правительство, уголь, промышленность, нефть, энергетика, тепловые электростанции, социальная сфера, топливо, угольный бассейн, добыча, сырьё.

**COAL AND OIL INDUSTRY IN UZBEKISTAN DURING THE
MANAGEMENT OF USMAN YUSUPOV**

**Mukhammadiev Rakhman
Basic doctoral student
National University of Uzbekistan**

ANNOTATION




The article provides information on the social sphere, coal demand in industry, as well as on food supply in the Republic of Uzbekistan both at the beginning and after the Second World War. On the basis of archival and statistical data, as well as literature related to this topic, the policy of the republic during the period of being at the helm of the state of Usman Yusupov (1937-1950) in the oil and coal mining spheres is investigated.

Key words: Uzbekistan, government, Usman Yusupov, coal, industry, oil, Angren, Baysun, social sphere, fuel, coal basin, mining.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш даврида Ўзбекистон халқ хўжалигида энг зарур ва тақчил бўлган хом-ашёлар кўмир ҳамда нефт маҳсулотлари эди. Чунки бу икки маҳсулот ижтимоий соҳада ҳам, саноатда ҳам иситиш, ишлаб чиқариш, транспорт, қайта ишлаш учун бирламчи ҳисобланарди. Шу сабабдан Усмон Юсупов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати республикада ўзининг ёқилғи, химия, энергетика базаларини вужудга келтиришга асосий эътиборни кучайтирди.

1939-1940 йилларга қадар республиканинг ёқилғига бўлган эҳтиёжлари Қирғизистон ва Кузбасдан ташиб келтирилган кўмир билан қондирилиб келинди. Тошкентдан 120 километр наридаги Оҳангарон туманида 1940 йилларнинг бошида катта калорияли ва кўмир захираси бир неча юз миллион тонна ҳисобланган кўмир конлари топилганидан кейин Ўзбекистонда кўмир саноатини вужудга келтириш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Бунгача 1938 йилда республика раҳбари Усмон Юсупов СССР ҳукуматига мурожаат қилиб[1], ижтимоий соҳа ва саноатда чекка ҳудудлардан ташиб келтирилаётган кўмир эҳтиёжларни тўла таъминлай олмаётгани, шунинг учун Ўзбекистонда аниқланган кўмир ҳавзаларини ўзлаштириш зарур эканлигини таъкидлаган.

“...Ўзбекистон йирик кўмир ҳавзасининг ўртасида, фақатгина аниқланган захираларининг ўзи 15 млрд. тоннани ташкил этувчи ҳудудда жойлашган. Шундан захираси 4 млрд. тоннадан ошувчи кўмир конлари бевосита темир йўл тармоғи билан боғланган. Қирғизистон ССР ва Тожикистон ССРга тегишли бўлган “Қирғизкўмир” ва “Шўробкўмир” кончилик жамиятларида ишларининг белгиланган режадаги жадвалдан орқада қолиши Ўзбекистоннинг кўмир-ёқилғи билан боғлиқ барча халқ хўжалиги корхоналарини оғир аҳволга солиб қўймоқда.... СССР Халқ комиссарлар совети қошидаги Иқтисодий кенгашнинг тасдиқланган режасига кўра 1938 йилнинг III чорагида Ўзбекистон 77 минг тонна кўмир билан таъминланиши керак эди. Аммо, режалаштирилган кўмир тўлиқ етказиб берилмаган. Тўртинчи чорақда аҳволни яхшилаш учун кўмир етказиб бериши керак бўлган, “Қирғизкўмир” ва “Шўробкўмир” жамиятларида ҳам аҳвол қониқарсиз ҳолатга келиб қолган. Тўртинчи чорақда кўмир билан таъминлашнинг оғирлашиши фақатгина иситиш мавсумининг бошланиши билан боғлиқ бўлмай, балки бу чорақда ойлик кўмир истеъмоли 8 минг тонна бўлган Қувасой туманидаги электростанцияни ишга тушиши, ойлик кўмир сарфи 6 минг тонна бўлган Тош-



кент тўқимачилик комбинатининг электр иссиқлик маркази ва Чирчиқ иссиқлик электр станцияси иш ҳажмининг ошиши ҳам қийинлаштиради. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра Ўрта Осиёдаги ҳозирда мавжуд кўмир ҳавзаларидан қазиб олинаётган кўмир, истеъмол талабининг 30% ни қондира олади. Агар бирор бир зарурий чоралар кўрилмаса, кўмир танқислиги 1942 йилгача давом этади. Кўмир билан етарлича таъминланмаслик Ўзбекистон хўжалик ҳаётида жиддий муаммоларни юзага келтиради...” дейилади, Усмон Юсуповнинг 1938 йил июль ойида СССР таъминот бошқармасига йўллаган талабномасида[1].

1937 йилда кўмирга бўлган аниқланган талаб 2104 минг тонна бўлган бўлса, Ўзбекистон унинг фақат 1305 минг тоннасини олган. Шундан Ўрта Осиё ҳавзасига кўмирнинг 642 минг тоннаси тўғри келса, қолган қисми 663 минг тонна Кузнецк кўмир ҳавзасидан келтирилган[1].


Ўзбекистон ССР давлат режа кўмитасининг 1938 йил учун белгиланган 2,5 млн. тонна кўмир истеъмоли, биринчи ярим йилликда 580 минг тоннани ташкил этиб, 50% режага ҳам етмаган. Республика гуруҳига кирувчи истеъмолчиларнинг биринчи ярим йиллик учун кўмирга бўлган талаби 280 минг тонна бўлиб, улар фақат 110 минг тонна кўмир олишган ва бу режанинг бор-йўғи 39% ташкил этган[1].

Кўмир билан етарлича таъминланмаганлик натижасида саноат ишлаб чиқариш соҳасида қийинчиликлар юзага кела бошлаган. Айни қурилиш мавсуми авж паллага чиққанда ғишт ва цемент заводларига кераклича кўмир етказиб берилмаганлиги боис Хилкова цемент заводининг учта печидан фақат иккитаси ишлаб турган[1]. Қолаверса, нон-қандолат цехлари, электростанциялар ҳам кўмир билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса, кўмирнинг маиший ва ижтимоий-маданий истеъмолчилари оғир аҳволда кун кечиринишга мажбур бўлган. Иситиш мавсуми учун ёқилғи захираси билан таъминланиши керак бўлган, боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлири, касалхоналар ва аҳоли умуман кўмир билан таъминланмаган.

Ўзбекистон ССРнинг саноат марказлари ва йирик шаҳарларида яшовчи аҳоли ишчи қатламининг ўзи бир йилда 195 минг тонна кўмир ишлатган бўлса, шундан биринчи ярим йилликда 7,7 минг тоннаси етказиб берилган[1].

Ўзбекистонда кўмир қазиб олиш тармоғининг шаклланиши, иккинчи жаҳон урушидан олдин очилган, Марказий Осиёнинг энг йирик кўнғир кўмир ҳавзаси бўлган Ангрэн кўмир конининг саноат даражасида ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир. Кондаги ишлар 1940-1943 йилларда 6 та шахтани ер ости усули билан ўзлаштириш орқали бошланган[2]. Техник қўрилиш ишлари эса 1941 йилда йўлга қўйилган. Дастлаб конда АҚШнинг “Марион” фирмасига тегишли, бўғ билан ишловчи иш куввати жуда кичик, юклари қўлда тушириладиган кран ковушлари 1 - 1,25 метр куб бўлган ер қазувчи экскаваторлар ишлатилган[2]. Шундай бўлсада, кондан кўмирнинг очиқ усулда қазиб олиниши ишни бирмунча енгиллаштирган.

Усмон Юсупов иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар Ўзбекистонда кўмир ва нефт қазиб олиш саноатини вужудга келтириш учун доимий ташвиқот ва




амалий ҳаракатларни олиб борди. Жумладан 1940 йил республика коммунистик партиясининг қурултойида сўзлаган нутқида шундай дейди: “Биз албатта маҳаллий кўмир ишлаб чиқаришни ривожлантириб, 1941 йилгача кўмир қазиб олишни 250 минг тонна, 1942 йилда 700 минг, 1943 йилда 1360 минг тонна, 1944 йилда 1870 минг тонна ва ниҳоят 1945 йилда 2300 минг тоннагача оширишимиз зарур. Шундан 2 млн. тонна Ангрен, 240 минг тонна Кўхитанг, 60 минг тонна Бойсун кўмир ҳавзаларида қазиб олинади. Биз аниқланган захиралари 600 млн тонна бўлган Ангрен кўмир қонида қазиб олишни кенгайтириш билан бирга, Бойсун ва Кўхитанг кўмир қонларини ўзлаштиришни ҳам жадаллаштиришимиз керак. Кўхитанг кўмирини қазиб олинishi, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, қўшни Тожикистон ва Туркменистонга ҳам Фарғона кўмири келтирилишини қисқартиради. Бойсундаги кўмир қонининг ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга, чунки у ерда коксли тошкўмир захираси катта. Биз бу коксли кўмир асосида ўзимизнинг металлни қайта ишлаш саноатимизни ривожлантиришимиз мумкин. Ушбу улкан режаларни амалга ошириш ва кўмир қазиб олишни ривожлантириш учун биз яқин ойлар ичида Тошкент-Ангрен темир йўл линиясини кўрилишини тўғаллашимиз, 1942 йилга қадар Кўхитанг бўйича барча лойиҳаларни якунлаб, Келиф-Кўхитанг темир йўл линияси ҳамда, Бойсун кўмир қонига олиб борадиган осма темир арқон йўлини қуриш ишларини аниқлаштириб олишимиз зарур. Биз қандай бўлмасин, Республикамиз хўжалигини нефт маҳсулотлари билан етарлича таъминлашимиз лозим. Сурхондарё ва Фарғона ҳавзаларидаги нефт захираларини ўзлаштиришимиз керак. Бунинг учун 2-3 йил ичида 1944 йилгача 600 минг тонна нефт маҳсулоти берадиган 10-12 нефт хом-ашёси қазиб олинadиган қудуқларни ишга туширишимиз шарт. Бу энг камида 100 минг метр қидирив-синов ва 200 минг метр эксплуатацион бурғулаш ишлари олиб борилиши керак дегани. Шу билан биргаликда, қазиб олинган нефт хом-ашёсини тайёр маҳсулотга айлантирадиган янги нефтни қайта ишловчи заводларни қуришга тайёланишимиз керак” [3].

Барча ҳаракатлар ўз натижасини бериб, республикада кўмир ва нефт қазиб чиқариш тез ўсди. Республикада мавжуд бўлган нефт саноатининг моддий-техник базаси негизида, геология-қидирув корхоналари, қурилиш трестлари, иккита нефт қазиб чиқариш ташкилоти, нефтни қайта ишлаш заводи, озокерит (нефт мумиёси) ишлаб чиқариш, техника ва ускуналарни таъмирлаш корхоналари ташкил қилинди. 1940 йилдан 1945 йилгача нефт қазиб чиқариш 119 минг тоннадан 478 минг тоннагача кўпайди[4].

1940 йилнинг 1 декабрида Тошкент-Оҳангарон темир йўли ҳашар усули билан қурила бошланди. Бу темир йўл Оҳангарон кўмир қонларидаги шахталардан тагин ҳам кўпроқ фойдаланишга ёрдам бериши лозим эди. 1941 йилдаёқ, яъни уруш вақтида қуриб битказилган бу темир йўл Оҳангарон қон-саноат районини ўзлаштириш, кўмир ва бошқа фойдали қазилмалар қазиб чиқаришни кўпайтириш имкониятини яратди[4].

Кўмир шахталарининг темир йўлга яқинлиги, кўмир, қатламлари ер юзасидан унчалик чуқур эмаслиги бу қонни ишга туширишни тезлатишга имкон берди. Шахталар қуриш ҳашар ёрдамида тезкорлик методи билан олиб борилди. СССР



хукумати республиканинг кўмир базасини вужудга келтиришига зарур ёрдам бериб турди. Москва, Урал, Украина, Сибирдан мутахассислар ва малакали ишчиларнинг катта гуруҳлари келиб, шахталар қуришда фаол қатнашдилар ва ўзбек ишчиларига шахтёрлик касбини ўргатдилар. Ўзбекистондан юборилган шахтёр ишчилар Донбасс ва Қарағандада ташкил этилган махсус курсларда таълим олдилар. Бинобарин, рус, украин, қозоқ халқларининг қардошларча беғараз ёрдами туфайли Ўзбекистонда кўмир саноатининг тунғич базаси вужудга келтирилди ва у 1941 йилда ишга туширилди.

Иккинчи жаҳон урушигача Оҳангарон-Олмалиқ худудида геология-қидириш ва излаш ишлари кучайтирилди. Мис, вольфрам, қалайи, алюминий ва бошқа рангли металлар чиқадиган жуда бой конлар топилди ва уларни саноат мақсадлари учун ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. 1937 йилдан 1940 йилгача бўлган даврнинг ўзидагина Ўзбекистон ССРдаги геология-қидириш ишларига сарфланган капитал маблағ 2,5 барабар кўпайди[4]. Нефт қазиб чиқаришни кўпайтириш ва Республиканинг жанубий туманларида нефт қидириш мақсадида ўтказиладиган бурғулаш ишларини жадаллаштириш соҳасида Ўзбекистон партия ва совет органлари олдига масъулиятли вазифалар кўйилди. Кўлобдан Самарқандгача бўлган жуда кенг территорияда нефт борлигини кўрсатувчи жуда кўп жойлар топилди, лекин бу туманлардаги нефт конларининг саноат учун аҳамияти қай даражада эканлиги ҳали ўрганиб чиқилмаган эди.

Шу қатламлар таркибида саноат учун қанча нефт борлигини аниқлаш Бухоро, Сурхондарё ва қисман Самарқанд вилоятларида нефт саноатини ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб бериши мумкин эди. Мавжуд тахминларга қараганда, бу қатламлар таркибидаги нефтнинг миқдори Ховдоғ ва Учқизил нефт конларидагига қараганда яхшироқ бўлиши лозим эди[4]. Бу тахминлар тўғри бўлиб чиқди. Урушдан кейин Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ўтказилган қидириш-излаш ишлари ажойиб натижалар берди. Ҳақиқатдан ҳам шу вилоятларда табиий газ ва нефтнинг жуда катта захиралари борлиги аниқланди.

1944 йилда Шарғун кўмир конида қазиб олиш ишлари йўлга қўйилди. Буларнинг натижасида 1945 йилга келиб кўмир қазиб чиқариш 1940 йилдаги 3,4 минг тоннадан 103 минг тоннага етди[5].

Уруш йилларида кўмир қазиб олишнинг кўпайиши ва саноатнинг ривожланишига ўзбек халқининг меҳнаткаш аёллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. 1943 йилда Тошкент шаҳри қизларининг чақирғи билан республиканинг турли туманлари ва вилоятларидан 1600 қиз-жувон Оҳангарон кўмир шахтасига ишлаш учун келди[6].

1940-1950 йиллар оралиғида Ўзбекистонда ёқилғи саноати - нефт ва кўмир қазиб олиш ривожланди. 80 дан ортиқ қудуқларнинг бўрғуланиши, “Полвонтош” ва “Жанубий оламушук” каби йирик нефт манбаларини очилиши ва ўзлаштирилиши шунингдек яна учта конда ўзлаштириш ишларини бошлаш имконини берди. Нефтни қайта ишлаш бўйича йирик Ваннов (Фарғона нефтни қайта ишлаш) заводида ўсиш кузатилди. 1948 йилда нефт маҳсулоти 1940 йилга нисбатан 9 баробар кўпайди[7]. Ўзбекистонда урушгача ва урушдан сўнг кўмир

ва нефт қазиб олишнинг ўсиб боришини куйида Россия давлат иқтисодий архиви хужжатларида келтирилган жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда кўмир ва нефт қазиб чиқариш динамикаси[8].

Мах/йил	1937	1940	1945	1946	1947	1948	1949	1950
кўмир	-	3,4	102,8	167,0	252,4	685,4	1108,7	1474,7
нефт	362,2	119,2	477,8	724,2	948,1	1241,0	1377,1	1342,2


Ушбу маълумотларнинг барчаси Ўзбекистонда кўмир ва нефт ишлаб чиқариш йил сайин ўсиб, ривожланиб борганлигидан дарак беради.

1949 йил Ўзбекистон коммунистик партиясининг 10-съездида жорий 1949 йилда қандай бўлмаса ҳам Ангрен кўмир конида қазиб олишни 1948 йилга нисбатан 2 баробарга ошириш, коннинг иккинчи навбатини ишга туширишни тайёрлаш орқали 1948 йилга нисбатан солиштирганда 4 баробар кўпроқ кўмир қазиб чиқариш вазифалари белгиланади[7]. Бу қарорда белгиланган вазифалар Ўзбекистонда кўмир ва нефт қазиб чиқаришнинг кейинги йилларда ривожланиб боришига хизмат қилди. Кўмир ва нефт қазиб чиқариш, уни саноат ҳамда аҳоли истеъмолига етказиш осон бўлгани йўқ. Уруш йилларида техника, ишчи кучи етишмаслиги, 1950 йиллар арафасида мавжуд бўлган транспорт воситаларидан самарали фойдаланмаслик кўмир қазиб чиқаришда ҳам муаммоли вазиятларни юзага келтирди. Аммо, бу камчиликлар республика ҳукумати ташаббуси ва халқ меҳнати эвазига ўз вақтида бартараф этиб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ёқилғи саноатининг вужудга келтирилиши ва ўсиб бориши, биринчи навбатда халқ турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан саноатнинг бир қатор металлургия, кимё, энергетика, транспорт, темир йўл каби тармоқларини янада барқарор ривожланиши учун асос бўлди. 1940 йилгача Республикада кўмир қазиб олиш саноати деярли йўқ эди. Усмон Юсупов бошчилигидаги республика ҳукуматининг халқ билан биргаликдаги тинимсиз меҳнати натижасида халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлган ёқилғи саноати вужудга келтирилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. ЎзРМДА, Р-837 - жамғарма, 32 - рўйхат, 865 - иш, 17-21-варақлар.
2. Хурсанов Х.П. Угольная промышленность Узбекистана: этапы становления, пути развития и перспективы // Ўзбекистон кончилик хабарномаси. – Тошкент, 2008. №1(32). –Б. 3-4.
3. Усман Юсупов. Избранные труды. Том - I. Ташкент, «Ўзбекистан», 1982. – С. 395.
4. Ўзбекистон ССР тарихи. 4-жилд. (Мўминов.И.М. таҳрири остида). Тошкент, Фан, 1971. –Б. 20-21.
5. Зиядуллаев С.К. Индустрия советского Узбекистана в годы велекой



отечественной войны // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1980. №5. – С.14.

6. Қалимбетов Ж., Багдасаров В. Улуғ ватан урушида ўзбек халқининг меҳнат зафарлари. №12. – Тошкент: Партия нашриёти, 1965. –Б. 37.

7. Юсупов У. Отчетный доклад. О работе ЦК КП(б) Узбекистана на X съезде коммунистической партии (большевиков) Узбекистана. 1 марта 1949 года. – Ташкент, изд. ЦК КП(б)Уз. 1949. – С.10.

8. Статистические динамические ряды за 1913-1951 годы. РГАЭ. Фонд-1562, список-41, ед.хр.- 65, лист - 253.